

УЎК (УДК): 631.31.06

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ИШЛАШ ШАРОИТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР

**А.Н.Худоёров-т.ф.н., доцент, А.Ўсмонов, М.Сиддиқова – магистрантлар,
АндҚХИ**

Комбинациялашган агрегат асосан шўрланмаган ҳамда яҳоб суви берилмайдиган табиий иқлим шароити пуштада пахта етиштириш имконини берувчи минтақаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган далаларни келгуси йили пуштага чигит экиш учун тайёрлашда қўлланилади.

Аксарият холларда далалар юзасида эгат ва пушталар мавжуд бўлиб комбинациялашган агрегат мавжуд эгатлар тубини юмшатиб улар ўрнини янги пушталар, эски пушталар ўрнида эса янги суғориш эгатларини ҳосил қилиб кетади.

Тупроқнинг физик – механик ҳоссалари. Пахта ва кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида маккажўхори етиштирилган далаларда ўрганилади. Бунда қўйилган талаб бўйича тупроқ намлиги, зичлиги ҳамда қаттиқлиги аниқланади.

Тупроқнинг намлиги унга ишлов беришда сарфланадиган энергия миқдори ҳамда бажарилаётган иш сифатига катта таъсир кўрсатади.

Тупроқ намлиги юқори бўлса, у иш органларига ёпишиб қолиши натижасида энергия сарфи ортади, етарли даражада уваланмайди. Бундан ташқари Тупроқни иш органлари олдига уюмланиб қолиши натижасида машинанинг иш жараёни бузилади. Намлик кам бўлган миқдорда эса ишлов берилган қатламда катта катта кесаклар ҳосил бўлади.

Тупроқ намлиги суғориладиган бўз Тупроқларда 16-18 % ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда эса 18-20 % атрофида бўлганда, у етилган бўлади ва ишлов беришда яхши уваланади ҳамда кам қаршилиқ кўрсатади.

Тупроқнинг қаттиқлиги, асосан унинг намлиги ва меҳаник таркибига боғлиқ бўлади. Намликнинг камайиши унинг қаттиқлигини ортишига олиб келади ҳамда маҳаник таркиби бўйича енгил Тупроқларнинг қаттиқлиги ўртача оғир ва оғир Тупроқларга нисбатан кам бўлади.

Тупроқ зичлиги унинг физик ва биологик хусусиятларини аниқловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Тупроқ зичлиги 1.1-1.3 гр см³ оралиғида бўлганда, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Комбинацияланган агрегат ишлов бериш учун тайёрланган тажриба далаларида Тупроқнинг намлиги қаттиқлиги ва зичлиги аниқланади.

Бунинг учун тажриба даласининг эгат, пушта ва чок қаторларида 0-10, 10-20, 20-30 ва 30-40 см қатламлардан олинган тупроқ наъмуналари ўрганилади. Олинган маълумотлар 1 ва 2 жадвалларда келтирилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳар иккала фонда ҳам эгат тупроғини қаттиқлиги ва зичлиги пушта ҳамда чок қаторга нисбатан кўп.

Пахтадан бўшаган дала тупроғининг намлиги, зичлиги ва қаттиқлиги бўйича маълумотлар

1-жадвал

Наъмуна олинган жой	Тупроқ қатламлари, см			
	0-10	10-20	20-30	30-40
Тупроқнинг намлиги %				
Эгат	7.3-16.8	9.5-12.8	10.5-13.9	10.9-15.8
Пушта	4.8-15.5	4.3-8.0	8.5-11	9.9-12.9
Чок қатор ўртаси	5.2-16	4.7-9.8	9.5-12.5	8.8-14.9
Тупроқ зичлиги гр/см ³				
Эгат	1.38-1.45	1.43-1.48	1.47-1.53	1.48-1.54
Пушта	1.33-1.36	1.34-1.38	1.41-1.45	1.43-1.51

Чок қатор ўртаси	1.35-1.39	1.38-1.42	1.37-1.51	1.39-1.50
Тупрқнинг қаттиқлиги МПа				
Эгат	2.89-3.41	3.06-3.21	4.01-4.21	4.58-4.89
Пушта	0.92-1.42	1.42-2.89	3.12-3.34	3.29-3.72
Чок қатор ўртаси	1.33-2.08	2.18-2.78	3.47-3.68	3.89-4.22

**Такрорий экин сифатида экилган маккажўхоридан бўшаган дала
тупроғининг намлиги, зичлиги ва қаттиқлиги бўйича малумотлар**

2-жадвал

Наъмуна олинган жой	Тупроқ қатламлари, см			
	0-10	10-20	20-30	30-40
Тупроқнинг намлиги %				
Эгат	14,7-18,3	12,6-17,2	12,4-16,8	10,8-17,2
Пушта	11,3-14,7	13,4-15,4	11,6-16,4	12,3-14,8
Чок қатор ўртаси	13,8-17,6	14,7-16,9	13,8-16,4	11,7-16,3
Тупроқ зичлиги гр/см ³				
Эгат	1.31-1.36	1.37-1.42	1.44-1.49	1.46-1.53
Пушта	1.24-1.32	1.32-1.38	1.38-1.43	1.41-1.48
Чок қатор ўртаси	1,28-1,34	1.34-1.37	1.39-1.45	1.47-1.52
Тупроқнинг қаттиқлиги МПа				
Эгат	1,47-2,86	2,47-3,73	4,04-4,42	3,87-4,78
Пушта	1,21-1,87	2,04-2,86	3,14-3,76	3,37-4,14
Чок қатор ўртаси	1,68-2,64	1,97-2,91	3,08-3,44	3,78-4,46

Буни экинлар вегетацияси даврида эгат тупроғининг чопиқ трактори ғилдираклари тасири остида зичланиши билан изохлаш мумкин. Яна шуни тақитлаш мумкинки, пахта хосилидан бўшаган дала тупроғининг намлиги кам, қаттиқлиги ва зичлиги юқори бўлган. Буни шундай изохлаш мумкин, биринчидан, кузги буғдойдан кейн етиштрилган маккажўхори сентябрь ойларида хам суғорилади, иккинчидан, чопиқ тракторлари маккажўхори ва қатор ораларига ғўза қатор ораларига нисбатан 2-3 мартта кам киради ва демак, тупроқ хам зичланади.